

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАЪСИРИ

*Джиемуратова Зухра Куванишбаевна*

*“Дастурий инжиниринг ва математик моделлаштириш” кафедраси ассистент ўқитувчиси*

*Мухаммад ал- хоразмий номидаги*

*Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали*

[z0997106@gmail.com](mailto:z0997106@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг хусусиятлари ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсири қаратилган. Муаллифлар кичик корхоналарнинг молиявий ресурсларни жалб этиш йўллари, кредит маблағларига кириш имкониятлари, давлат томонидан кўрсатилаётган кўмак ва альтернатив молиялаштириш манбалари каби асосий жиҳатларни таҳлил қилади. Кичик бизнеснинг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги роли ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришга ҳиссаси алоҳида эътиборга олинган. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш учун молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, кичик корхоналарни молиялаштириш, молиявий барқарорлик, кредитлаш, давлат кўмаги.

### 1. КИРИШ

Кичик бизнес ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида аҳолининг бандилик билан таъминланиши, янгиликларнинг ривожланиши ва иқтисодий барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, кичик корхоналарнинг муваффақиятли фаолияти уларнинг зарур молиявий ресурсларга эга бўлишига ва улардан самарали фойдаланишига боғлиқ. Аммо, банк кредитлари каби анъанавий молиялаштириш манбаларига кириш имкониятларининг чекланганлиги, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши ва барқарорлиги учун ҳал қилиш керак бўлган муаммоларни келтириб чиқаради.

Кичик бизнесни молиялаштиришнинг хусусиятлари, масалан, юқори фоиз ставкалари, қарз омонатларига қўйиладиган қатъий талаблар ва давлат томонидан кўрсатилаётган кўмакнинг етарли бўлмаслиги, бу соҳани чуқур ўрганишни ва самарали ечимларни излашни тақозо этади. Бундан ташқари, кичик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги уларнинг иқтисодий нобарқарорлик ва рақобат шароитида фаолият кўрсатиш қобилиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Бу тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг хусусиятлари ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсирини таҳлил қилишдир. Иш доирасида анъанавий ва альтернатив молиялаштириш манбалари, шунингдек, давлат томонидан кўрсатилаётган кўмакнинг роли кўриб чиқилади. Тадқиқот натижалари асосида кичик корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий ривожланишга ҳиссасини таъминлаш учун молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Мавзунинг долзарблиги кичик бизнесни ривожлантириш учун кулай шароитларни яратиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, бу ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш орқали уларнинг иқтисодий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш мумкин.

## II. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Анъанага кўра, кичик ташкилотларда молиявий менежментнинг асосий муаммоларидан бири молиявий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли кўшимча қарз маблағларини жалб қилиш зарурати ҳисобланади.”<sup>14</sup> Олимлар Н.Э. Соколинская ва Л.М. Куприяновалар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, кичик бизнес капиталини шакллантиришда қарзга олинган капитал 85 фоизни ташкил қилади.<sup>15</sup> Бу фикрни бошқа олимлар хулосаларида ҳам кўриш мумкин. Добронравов фикрича, “Кичик корхоналар фаолияти кўлами, уларнинг айланмаси туфайли улар ўз ресурсларида анча чекланган ва йирик корхоналарга қараганда улар ташқи яъни, жалб қилинган молиялаштириш манбаларига муҳтож. Кичик корхоналарнинг ривожланиш салоҳияти кўп жиҳатдан кичик корхоналарнинг ташқи молия манбаларидан фойдаланиш ва уларни муваффақиятли жалб қилиш қобилиятига боғлиқ.”<sup>16</sup> Баринова ва бошқалар хулосаларига кўра, “дастлабки босқичларда инновацион компанияларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил - бу етарли даражада уларнинг молиялаштирилмаганидир.”<sup>17</sup>

Махаллий олимларимиз хулосаларига таянадиган бўлсак, М.Эшовнинг фикрича, “Жаҳон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қуватлашнинг қуйидаги усуллари кенг фойдаланилади: бевосита молиялаштириш, кредит қийматини пасайтириш, кредит олишга кафолатни таъминлаш.”<sup>18</sup> Олимнинг хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларининг ўзига хос жиҳатларидан бири, яъни беқарорлигини таъкидлайди ва мана шунинг асосида унинг молиялаштириш муаммосининг кескинлашувини келтириб ўтади.<sup>19</sup>

<sup>14</sup> С.О.Мусиенко “Развитие методов финансового управления в субъектах малого предпринимательства” – диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Москва - 2018

<sup>15</sup> Соколинская, Н.Э. Кредитование как важнейший фактор развития малого бизнеса в России: монография / Н.Э. Соколинская, Л.М. Куприянова. -М.: КноРус, 2016, 146

<sup>16</sup> Добронравов, Александр Николаевич. Эффективность финансирования малых предприятий и организаций в России: диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.10. - Москва, 2003. - 214 б.

<sup>17</sup> Баринова В.А., Еремкин В.А., Земцов С.П. Факторы развития инновационных компаний на ранних стадиях // Государственное управление. Электронный вестник. 2015. № 49. 41-б.

<sup>18</sup> Мансур Эшов “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омилар, натижалар, истикболлар”. Монография – Тошкент, “Маънавият”-2017й, 25-б

<sup>19</sup> Ўша манба

1.6-жадвал.

**Худудларда кичик бизнес секторида янги очилаётган ва тугатилаётган субъектлар сони нисбати<sup>20</sup>, %**

Худудлар	2018		2019		2020		2021		2022		Тугатилган ларнинг янгиларга ўртача нисбати
	Янги очилган	Тугатилган	Янги очилган	Тугатилган	Янги очилган	Тугатилган	Янги очилган	Тугатилган	Янги очилган	Тугатилган	
Ўз. Респ	48922	15601	92874	15646	93214	9895	98886	46985	90177	23049	26,2%
Қорақ.Ре	2177	902	3645	959	4440	580	4308	2199	4308	1382	31,9%
Андижон	3131	864	6632	1952	7684	791	7111	4836	5406	1281	32,5%
Бухоро	3024	858	6154	872	5928	801	6418	2986	4413	1775	28,1%
Жиззах	2319	575	3432	540	4278	374	4373	2370	4505	957	25,5%
Қашқадар	2365	592	5154	1005	5742	567	9463	2967	8551	2158	23,3%
Навоний	1810	468	7129	790	4260	667	4835	2628	4323	1576	27,4%
Наманган	2709	1742	5447	1360	6202	940	6469	3860	5542	1921	37,3%
Самарқанд	4312	978	7980	1328	8658	961	10814	2765	10613	2699	20,6%
Сурхондар	2781	2035	4845	780	7542	689	5050	1954	4083	958	26,4%
Сирдарё	1354	486	3153	447	2947	400	2309	1668	2073	775	31,9%
Тошкент	5080	1070	9671	1564	8331	848	7799	5210	6799	1212	26,3%
Фарғона	3780	775	6712	650	8073	466	9051	4221	8828	1798	21,7%
Хоразм	2009	786	4668	983	4632	737	4914	1751	5655	1465	26,2%
Тошкент ш.	12071	3470	18252	2416	14497	1074	15972	7570	15078	3092	23,2%

Дарҳақиқат, кичик бизнес субъектларининг бошқа турдаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан рақобат муҳити ва чекланган ресурслари унинг яшовчанлигига салбий таъсир қилади. Шундай бўлсада, бизнинг таҳлилларимизга кўра охириги йилларда кичик бизнес субъектларининг катастрофик рискларга учраши жаҳон бозоридаги каби меъёр даражасида дейиш мумкин (1.6-жадвал).

Таҳлилга кўра, мамалакатимиз миқёсида янги очилаётган кичик корхоналарнинг ўртача 26 фоизига тенг миқдорда корхоналар тугатилган. Демак, республикамизда ўртача 5 фоиз кичик бизнес субъекти тугатилиши эҳтимоли мавжуд, яъни фаолият юритаётган корхоналарнинг ҳар 20 чиси тугатилмоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич ривожланган мамалакатлар даражасида<sup>21</sup> олиб ўрганилганда, нормал ҳисобланади.

Бундан шу хулосага келиш мумкин, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш муаммоси унинг тугатилиш даражасига боғлиқ деб бўлмайди. Бунда, бошқа омилларни ҳам инобатга олиш керак. Мана шундай омиллар сирасига давлат томонидан кичик бизнес субъектларини такомиллашган молиялаштириш сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги, молиялаштиришининг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

<sup>21</sup> Ю. С. Пиньковецкая Рисковая деятельность субъектов малого и среднего предпринимательства. Journal of Modern Competition / 2016. Vol. 10. No. 4(58), 36 б

янги йўналишларини тадбиқ этилмаганлиги ёки бунинг қийин тартиби, молиялаштириш тизимини кичик бизнес субъектлари учун мураккаб тартиби ва хоказоларни келтириш мумкин.

Кичик бизнесни молиялаштириш жараёни тижорат банклари фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб омилларга боғлиқ. Хусусан бу борада, Ф. Аллен ва Д. Гейл кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришнинг иккита тизими мавжудлигини қайд этади: бири банк фаолиятига асосланган, иккинчиси молия бозорлари билан боғлиқ. Улар биринчи тизим нисбатан муҳим эканлигини таъкидлайди.<sup>22</sup> Россиялик иқтисодчилар А.И. Картуесов ва бошқалар кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш жараёнига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таснифини асослаб беришди.

1.7-жадвал.

**Кичик ва ўрта бизнес субъектлари сифатида таснифланган корхоналарни кредитлаш жараёнида омиллар таснифи бўйича ёндашувларни тизимлаштириш<sup>23</sup>.**

Муаллиф	Кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш жараёни омилларини таснифлаш хусусиятлари	Таснифлаш ёндашувининг камчиликлари
Джеймс К. Ван Хорн, Джон М. Вахович	Кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш учун ташқи омилларнинг учта асосий гуруҳини аниқлаш (хукуқий, солиқ ва молиявий муҳит)	Молиялаштиришнинг чекланган кўриниши
А.А. Томпсон, А.Дж. Стрикленд, С.А. Анесянц, Д.В. Петров	Турли хил ташқи омилларни аниқлаш, хусусан: макроиқтисодий, қонунчилик, меъёрий-хукуқий хужжатлар, ижтимоий қадриятлар ва турмуш тарзи, демографик, технологик	Компаниянинг иқтисодий хусусиятлари ва саноати билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий омилларга эътибор берилди. Шу билан бирга, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлашда солиқ ва молиявий муҳит ҳам таъсир кўрсатади, аммо улар

<sup>22</sup> Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

<sup>23</sup> Муаллиф ишланмаси, П.Д.Буров ишланмаси ва келтирилган адабиётлар асосида: Ван Хорн, Дж.К. Основы финансового менеджмента / Дж.К. Ван Хорн, Дж.М. Вахович (мл.) ; [перевод с английского Э.В. Кондуковой]. - Москва: Вильямс, 2001. - 988 с. - ISBN 5-8459-0199-5; Костыкова, М.Ю. Банковское кредитование малого бизнеса и направления его совершенствования в Российской Федерации : специальность 08.00.10 «Финансы, денежное обращение и кредит» : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Костыкова Мария Юрьевна ; Воронежский государственный университет.; Томпсон, А.А. Стратегический менеджмент : концепции и ситуации для анализа / А.А. Томпсон, А.Дж. Стрикленд III ; [перевод с английского А.Р. Ганиевой и др.]. - 12-е издание. - Москва : Вильямс, 2013.924 с. - ISBN 978-5-8459-0407-2.; Анесянц, С.А. Современные факторы, оказывающие воздействие на кредитование и финансовое состояние малых предприятий / С.А. Анесянц, Д.В. Петров // Теория и практика общественного развития . - 2015. - № 4.; Костина Н.Н., Даниленко Н.И., Ивлев А.В. Кредитование малого бизнеса государственными и коммерческими банками: анализ и перспективы развития. Financial Analytics: Science and Experience, 38 (2016) 20–33: ISSN 2311-8768 (Online); Буров Павел Дмитриевич. Развитие процесса кредитования малого и среднего бизнеса в российской федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Москва – 2020; Мансур Эшов “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар, истикболлар”. Монография – Тошкент, “Маънавият”-2017й, 18-, 25-, 83-б

		муаллифлар томонидан ҳисобга олинмайди.
Костина Н.Н., Даниленко Н.И., Ивлев А.В.	Кичик корхоналар учун молиялаштириш жараёнини сушлашига таъсир этувчи омиллар: банк томонидан қўйилган талаблар; ташқи сиёсий омиллар; кредит ставкалари миқдори; бизнес субъектларининг кредит тизимига ишончсизлиги; истеъмол талаби даражаси	Муаллифлар томонидан давлатнинг олиб бораётган сиёсатига мувофиқ солиқ тизими талаблари ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш сиёсати эътиборга олинмайди.
М.Ю. Костыкова	Ўрта ва кичик корхоналар учун банк томонидан шакллантириладиган кредит портфелига таъсир этувчи ташқи омилларни аниқлаш, масалан: банк стратегияси ва сиёсати; инқироз ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиши; кредитларга талаб	Таъсир этувчи омилларни қўшиш мумкин. Молиялаштиришнинг хусусиятлари (кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилишда банкларда содир бўладиган жараёнлар билан белгиланади) Россияга хос хусусиятларини очиб беради ва саноати ривожланган мамлакатларнинг банк тизимларига хос бўлган кредит олиш хусусиятлари ёритиб бермайди.
М.Эшов	Кичик бизнесни молиялаштиришининг умумий ва ўзига хос омилларини мажмуавий ҳисобга олиш.	Муаллиф томонидан омилларни комплекс ўрганиш илгари сурилган. Шундай бўлсада, давлатнинг олиб бораётган сиёсатига мувофиқ солиқ тизими талаблари ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш сиёсати эътиборга олинмайди.

Чет эллик тадқиқотчилар Жеймс К. Ван Хорн ва Жон М. Вачович кичик ва ўрта бизнесни кредитлашга таъсир этувчи ташқи омилларнинг учта асосий гуруҳини аниқладилар: ҳуқуқий, солиқ ва молиявий муҳит. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу кредит жараёнининг чекланган кўриниши, чунки муаллифлар томонидан ҳуқуқий муҳит турли қонунчилик ташаббусларининг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда, фақат корхоналарнинг ташкилий шакли нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

А.А. Томпсон, А.Ж. Стрикленд, С.А. Анесянц ва Д.В. Петров кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш жараёнига таъсир кўрсатадиган ташқи омилларнинг бир нечта гуруҳларини аниқлаган ҳолда кенгроқ ёндашувни таклиф қилишди: макроиқтисодий, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, ижтимоий қадриятлар, турмуш тарзи, демографик ва технологик омиллар. Шу билан бирга, муаллифлар компанияларнинг асосий иқтисодий

хусусиятлари ва саноати билан боғлиқ макроиқтисодий жиҳатларга эътибор беришди.

Кичик ва ўрта корхоналарни банк кредитлаш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг янада тўлиқ таснифи М.Ю. Костикова ишларида келтирилган. Унда, Россия шароитида ушбу секторнинг ишлаш хусусиятларини ҳисобга олинган бўли, таснифлаш банкнинг кичик ва ўрта корхоналар учун кредитлар портфелига асосланади. Шундай бўлсада, аниқ таъсир қилувчи омиллар батафсил кўрсатилмаган. М.Ю. Костикова ҳам банкларнинг, ҳам қарз олувчиларнинг барқарорлигини сақлаш муаммоларига эътибор қаратади. П.Буровнинг таъкидлашича, банклар рентабеллик ва таваккалчилик нуқтаи назаридан оптимал кредит портфелини яратишга имкон берадиган миқдорларга кредит беришни афзал кўрадилар. Шу муносабат билан кичик ва ўрта корхоналарни молиялашга таъсир этувчи омилларга куйидагиларни келтиради: 1) банкнинг маҳсулот портфелини шакллантиришни белгиловчи стратегияси ва сиёсати; 2) кредитларга бўлган талаб - унинг камайиши банкларни қарз олувчиларга қўйиладиган талабларни юмшатишга ва фоиз ставкаларини оширишга мажбур қилади, бу эса кредит портфелининг хавфини оширади; кредитларга бўлган талабнинг ошиши тескари таъсирга олиб келади; 3) инқирозли вазиятлар ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиши. Бу омиллар нафақат корхоналарни қарз юқини камайтиришга мажбур қилади, балки кўпинча бизнеснинг рентабеллигини пасайтиради ва салбий леверажга олиб келади, бу эса кредитларни кечиктириш хавфини оширади.

Махаллий олимимиз М.Эшов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни молиялаштириш жараёнига таъсир этувчи омилларни кенг қамровда ўрганишни таклиф қилган. Бунда умумий ва ўзига хос омилларга таркибланган. Умумий омилларга иқтисодиётнинг умумий ҳолати, бозор конъюнктураси, ижтимоий муҳит, тегишли инфратузилма ва бошқаларни киритса, ўзига хос омилларга кредит учун кафолат ва гаров мажбуриятини олиш мураккаблик даражаси; бизнес субъектларининг ресурслардан самарали фойдаланиши учун билим ва кўникма даражасининг етишмаслиги, савдо-воситачилик учун кредит ажратиш муаммоси ва шу каби омилларни келтирган. Ушбу омилларни Ўзбекистон шароитида ўрганиб чиқилганлиги бизнинг диссертация ишимизни ёритишда ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз. Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов каби иқтисодчиларнинг мулоҳазаларига кўра “...тадбиркорлик муҳити асосан куйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади”<sup>24</sup>

Илмий адабиётларда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг бир нечта таснифларини кўриш мумкин: келиб чиқиш жойи бўйича (ички ва ташқи), натижанинг аҳамияти

<sup>24</sup> Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. 25-б.

бўйича (асосий ва иккиламчи), тузилиши бўйича (оддий ва мураккаб), таъсир қилиш вақти бўйича (доимий ва вақтинчалик)<sup>25</sup>.

В.П. Самарина<sup>26</sup> ички муҳит омилларига ишлаб чиқариш, техник, иқтисодий, маркетинг омиллари, ижтимоий шароитлар, ахборот компоненти ва бошқарувни ташкил этиш омили сифатида киради. В.Я. Горфинкел<sup>27</sup> ишбилармонлик муносабатлари ва ходимларнинг хатти-ҳаракатлари омилини ҳам киритади. В.П. Самарина объектив омилларни (илмий-техника тараққиётининг жадаллашуви, саноатнинг ўзига хос хусусиятлари каби бошқарув субъектидан мустақил) ва субъектив омилларни (бошқарув субъектига ва унинг қобилиятига, хусусан, менежернинг шахсияти, маҳсулот сифати ва компаниянинг инновацион сиёсати) аниқлайди.

Турли иқтисодчиларнинг тадқиқотлари асосида корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи омилларнинг умумий таснифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин, улар ташқи ва ички омилларга бўлинади. Ташқи омиллар компаниянинг ташқи муҳитининг элементлари бўлиб, икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга корхона фаолиятига бевосита таъсир этувчи омиллар, масалан, рақобатчилар, истеъмолчилар ва етказиб берувчилар киради. Иккинчи гуруҳ компания фаолиятига билвосита таъсир этувчи омиллардан иборат. Ички омиллар компаниянинг фаолият доирасини, ташкилий тузилмасини, шунингдек, ишлаб чиқариш, бозор, кадрлар ва молиявий жиҳатларни қамраб олади.


Таҳлилни сарҳисоб қилсак, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи молиялаштириш билан боғлиқ бўлган муҳим омиллар тўпламини аниқлашимиз мумкин.

<sup>25</sup> Горскин А.Г. Факторы влияния на финансовую устойчивость корпорации // Проблемы современной науки и образования. 2017. № 6 (88). 37-42б.

<sup>26</sup> Экономика организации: учебное пособие / В.П. Самарина, Г.В. Черезов, Э.А. Карпов. — Москва: КноРус, 2014. — 319 б.

<sup>27</sup> Организация предпринимательской деятельности: Учеб. пособие для вузов / Под ред. В.Я. Горфинкеля, акад. Г.Б. Поляка, проф. В.А. Швандара.–М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2004.– 525 б.

III. TAДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ



1.4-расм. Кичик бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнига таъсир этувчи омиллар<sup>28</sup>

Шундай қилиб, 1.4-расмда келтирилган молиялаштириш билан боғлиқ ва кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни ички ва ташқи омилларга ажратишни таклиф қилдик.

Ички омилларни ҳам иккига, жараёнли ва вазиятли омилларга ажратиш мумкин. Бунда, кичик бизнес субъектининг фаолият жараёнини бошқариш тизимини жараёнли омиллар ва субъектнинг шахсий ривожланиши билан боғлиқ вазиятли омиллар келтирилди.

<sup>28</sup> Муаллиф ишланмаси



Вазиятли омилларни таҳлил қилинганда, шуни таъкидлаш керакки, кўп холларда олинган кредит ёки хусусий молиявий ресурсларни тўғри бошқара олмаслик натижасида кичик бизнес субъектлари ночор аҳволга келиб қолишади, бу ҳолатлар ташқи молиялаштириш манбаларини ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаттоки қаттиқ шартларда кредит ажратишига сабаб бўлади. Бу ҳолатда молиявий билим ва кўникмаларни етарлича бўлиши кичик бизнес субъектига ҳар томонлама устунлик беради. Шу жиҳатдан, корxonанинг молиявий тизимини тўғри ташкиллаштириш, унинг салоҳиятини ошириб бориш муҳим ҳисобланади. Кичик бизнес субъектининг яна бир хусусий жиҳати, бу унинг фан-техника тараққиётига, инновацион янгиликларга, ҳуқуқий ўзгаришларга мослашувчанлигидир. Бу соҳада унинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил сифатида мослашувчанлик сифати юзага келади.

Ташқи омилларда молиявий омиллар кичик бизнес учун пул маблағларидан самарали фойдаланиш ва айланишини таъминлайди. Ахборот омиллари - бу кичик корxonанинг барча қисмларининг самарали алоқасини таъминлайдиган ташкилий ва техник воситалар тўпламидир.

Маркетинг омили ҳар қандай корxона фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Маркетингнинг аҳамияти унда икки томоннинг иштироки билан изоҳланади, уларсиз бизнесни амалга ошириш мумкин эмас - миждозлар ва рақобатчилар. Маркетинг - бу компанияга бозорда рақобатбардош бўлиш ва муваффақиятга эришиш имконини берадиган муҳим йўналиши бўлиб қолиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқий-меъёрий омилларга тадбиркорлар ва ходимлар томонидан ушбу фаолиятни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, шунингдек, корxonанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қўйиладиган меъёрий талабларга мувофиқ бизнес юритиш киради.

Ташқи омилларда давлатнинг кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлашнинг такомиллашган тизими корxonаларни турли ҳаётий босқичида ресурс ёки барқарорлиги билан боғдиқ муаммоларни осон ва арзон ҳал этиш имкониятини бериши мумкин.

Давлатнинг молиявий сиёсатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, тадбиркорларга белгиланган солиқ ставкаларини ошириш ёки имтиёзлар жорий этиш билан уларнинг фаолиятини кескин ўзгартириши мумкин. Бунда, субъект фаолиятини кенгайтиришни ёки уни сақлаб қолиш имкониятини қидириб қолиши мумкин. Ҳар икки вазиятда ҳам солиқ сиёсати молиялаштириш жараёнига таъсир этмай қолмайди.

Шу сингари, банк тизимидаги ислоҳотларни ҳам келтириш мумкин. Банкларнинг ставкаларини ошириш ёки тушириши тадбиркорининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини келтириб чиқариши мумкин. шу билан бирга, банк тизимидаги кредит линиялари кичик бизнес субъектларини тўғри йўналишдаги имкониятларини очиб беради.

Кредит истеъмоли талабининг ортиб кетиши натижасида кўплаб банклар банк фоиз ставкаларини ошириши юзага келиши мумкин. Пасайиши ортидан эса

кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурсларни олишга бўлган талабини ортишига олиб келиши мумкин.

Мамлакат ташқи ва ички сиёсати барқарорлиги кичик бизнес субъектларига қўшимча рағбатлантирувчи молиявий ресурслар имкониятини очиши мумкин. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳолати кичик бизнес маҳсулотларини талабгор қилиши ва натижада субъектнинг такомиллашиб боришига сабаб бўлиши ва бунда молиялаштириш тизимини фаоллашуви юзага келиши мумкин.

Шундай қилиб, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнини ривожланишига таъсир этувчи янги омилларнинг аниқланиши молиялаштириш билан боғлиқ асосий жараёнларни оптималлаштириш имкониятини оширади.

#### IV. ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг молиявий барқарорликка таъсирини аниқлашга имкон берди. Кичик корхоналар молиявий ресурсларни жалб этишда банк кредитларига кириш имкониятининг чекланганлиги, юқори фоиз ставкалари ва қарз омонатларига қўйиладиган қатъий талаблар каби бир қанча қийинчиликларга дуч келиши аниқланди. Шу билан бирга, микромолиялаштириш, краудфандинг ва венчур инвестициялар каби альтернатив молиялаштириш манбалари кичик бизнес учун янги имкониятларни очиб, унинг ривожланиши ва барқарорлигига хисса қўшади.

Кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашда давлатнинг алоҳида роли мавжуд. Субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва кредитларни кафолатлаш дастурлари каби самарали давлат қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари молиялаштириш шарт-шароитларини яхшилаш ва кичик бизнеснинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Кичик корхоналарнинг молиявий барқарорлиги уларнинг узук муддатли муваффақияти ва иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиши учун муҳим омилдир. Барқарор кичик корхоналар янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни ривожлантириш ва минтақаларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хисса қўшади.

Ўтказилган таҳлил асосида кичик бизнесни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Уларга альтернатив молиялаштириш манбаларига кириш имкониятларини кенгайтириш, давлат қўллаб-қувватлашини кучайтириш ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини oshirish киради. Бу чора-тадбирларни амалга oshirish кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга имкон беради, бу esa иқтисодиётнинг умуман ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш ва уларнинг молиявий барқарорлиги ўзаро боғлиқ элементлар бўлиб, уларга комплекс

ёндашиш ва давлат, молия институтлари ва тадбиркорларнинг фаол иштирокини талаб этади.

### V.ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мусиенко С.О. Развитие методов финансового управления в субъектах малого предпринимательства: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2018.
2. Соколинская Н.Э., Куприянова Л.М. Кредитование как важнейший фактор развития малого бизнеса в России: монография. – М.: КноРус, 2016. – 146.
3. Добронравов А.Н. Эффективность финансирования малых предприятий и организаций в России: диссертация ... кандидата экономических наук: 08.00.10. – Москва, 2003. – 214 б.
4. Баринаева В.А., Еремкин В.А., Земцов С.П. Факторы развития инновационных компаний на ранних стадиях // Государственное управление. Электронный вестник. – 2015. – № 49. – С. 41.
5. Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар, истиқболлар: монография. – Тошкент: Маънавият, 2017. – С. 25.
6. Пиньковецкая Ю.С. Рисксовая деятельность субъектов малого и среднего предпринимательства // Journal of Modern Competition. – 2016. – Vol. 10. – No. 4(58). – С. 36.
7. Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.
8. Ван Хорн, Дж.К. Основы финансового менеджмента / Дж.К. Ван Хорн, Дж.М. Вахович (мл.); [перевод с английского Э.В. Кондуковой]. – Москва: Вильямс, 2001. – 988 с. – ISBN 5-8459-0199-5.
9. Костыкова М.Ю. Банковское кредитование малого бизнеса и направления его совершенствования в Российской Федерации: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. – Воронежский государственный университет, 2016.
10. Томпсон, А.А. Стратегический менеджмент: концепции и ситуации для анализа / А.А. Томпсон, А.Дж. Стрикленд III; [перевод с английского А.Р. Ганиевой и др.]. – 12-е изд. – Москва: Вильямс, 2013. – 924 с. – ISBN 978-5-8459-0407-2.
11. Анесянц С.А., Петров Д.В. Современные факторы, оказывающие воздействие на кредитование и финансовое состояние малых предприятий // Теория и практика общественного развития. – 2015. – № 4.
12. Костина Н.Н., Даниленко Н.И., Ивлев А.В. Кредитование малого бизнеса государственными и коммерческими банками: анализ и перспективы развития // Financial Analytics: Science and Experience. – 2016. – Vol. 38. – С. 20–33.

13. Буров П.Д. Развитие процесса кредитования малого и среднего бизнеса в Российской Федерации: диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2020.

14. Эшов М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар, истиқболлар: монография. – Тошкент: Маънавият, 2017. – С. 18, 25, 83.

15. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2010. – С. 25.

16. Горскин А.Г. Факторы влияния на финансовую устойчивость корпорации // Проблемы современной науки и образования. – 2017. – № 6 (88). – С. 37–42.

17. Самарина В.П., Черезов Г.В., Карпов Э.А. Экономика организации: учебное пособие. – Москва: КноРус, 2014. – 319 с.

18. Горфинкель В.Я., Поляк Г.Б., Швандар В.А. Организация предпринимательской деятельности: учебное пособие для вузов. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 525 с.